

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



«ЭКОЛОГИК ТРАНСПОРТ» ТИЗИМИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Республиканинг барча ҳудудларида транспорт воситаларининг нормативларга мослиги даражасини аниқлаш ва унинг натижалари бўйича экологик стикерлар бериш мазкур хизматлар учун алоҳида тўлов ундирилмасдан транспорт воситаларини ДИХХ бўлимларида рўйхатга олиш ва қайта рўйхатга қўйиш жараёнида босқичма-босқич амалга оширилади.



«ЁШ ТАДБИРКОР» ТАНЛОВЛАРИ ЎТҚАЗИЛАДИ

БХМнинг 1 000 барава-ригача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажрати-лишини назарда тутувчи «Ёш тадбиркор» танлов-лари ўтказилади.



ЗУРАВОНЛИККА УЧРАГАН АЁЛЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

«Инсон» ижтимоий хиз-матлар марказлари томо-нидан тазйиқ ва зуравонлик-дан жабрланган ёки жабр-ланмиш хавфи остида бўлган хотин-қизларга ҳимоя ор-дери талаб этмаган ҳолда ижтимоий ва юридик хиз-матлар кўрсатиш тартиби жорий этилади.



АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ БЕРИЛАДИ

«Маҳалла еттилиги» тавсияси асосида Камбағал-ликдан чиқариш дастурига киритилган ва уй-жой шартини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга Иқтисодиёт ва молия ва-зирлиги маблаглари ҳисобидан ипотека кре-дитлари ажратилади.



БОҒЧА ПЕДАГОГЛАРИНИНГ ОЙЛИГИ ЎЗГАРАДИ

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари-даги олий маълумотли пе-дагог ходимларнинг ба-завий тариф ставкалари мактабларнинг тегишли педагог ходимлари база-вий тариф ставкалари-нинг амалдаги миқдори-га тенглаштирилади.



Қувончбек ТЎРАЕВ олган сурат

ИЮНЬ – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун



Кун нафаси



Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятига ташриф бу-руди.



Давлатимиз раҳбари «Жа-дидлар мероси давлат музейи-ни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.



Хива шаҳрида ИХТга аъзо – Туркия, Сенегал, Со-мали, Қозғистон, Тожикис-тон, Туркменистон, Уганда, Озарбайжон, Бангладеш, Бур-кина-Фасо, Габон, Миср, Ирок, Ливия, Малайзия, Индонезия, Сингапур, Малдив ороллари, Умон, БАА ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг туризм расмийлари иштирокда таш-килотнинг Туризм бўйича му-вофиқлаштирувчи қўмитаси-нинг IX мажлиси ўтказилди.



Ўзбекистон Республика-си инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудра-тов Малайзияда бўлиб, инвес-тициялар, савдо ва саноат ва-зирлиги вазири Муҳаммад Наим бин Моҳтар, Марказий банк раиси Дотук Абдул Рашид Гафур ва бошқа расмий шах-слар, ҳукумат аъзолари, мута-садди раҳбарлар билан учра-шувлар ўтказди.



Пойтахтимиздаги Мил-лий кино саройида давлати-миз раҳбари ғойси ва ташаб-буси асосида суратга олинган «Баҳодир Ялангўш» бадий фильмининг Тошкент шаҳри-даги премьераси бўлиб ўтди.

СТАТИСТИКА

Дунёда 280 МИЛЛИОН одам оч-наҳор яшамоқда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисоботида кўра, 2023 йилда дунёда 280 миллиондан ортиқ одам ўткир очликни бошдан кечир-ган ва Ғазо секторидагилар қаттиқ очарчиликка дуч келган.

| ҒАЗО | 100% |
|------------|------|
| СУДАН | 63% |
| АНГОЛА | 58% |
| СУРИЯ | 55% |
| ЯМАН | 55% |
| ГАИТИ | 48% |
| АФҒОНИСТОН | 46% |
| ЖАР | 44% |
| ПОКИСТОН | 43% |
| ЛИВАН | 37% |

Жадвалда озиқ-овқат хавфсизлигидан энг кўп зарар кўрган мамлакатлар ва минтақалар.

Манба: @Geosiyosatuz

«БЎЛСА – ХЎБ-ХЎБ, БЎЛМАСА – БОЛАЛАР ЕР»

ёхуд фарзандларимизни кимдан ва нимадан ҳимоя қилишимиз керак?

3-саҳифада ўқинг...

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

МИНГ КИШИГА ЙИГИРМА УЧТА ГАЗЕТА

СУКУТ...

Келгуси сонларда ўқинг...



◆ **ФАОЛИЯТ**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича мурожаатларни қабул қилувчи 1211 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center» ташкил этилганидан буён бу нақл тўғри ва ҳаётий экани ўз исботини топмоқда.

Ишонч топган – таянч топади

Дарҳақиқат, мамлакатимиз фуқаролари ўзларини қийнаётган муаммолар билан «Ишонч телефони» орқали Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига тез-тез мурожаат қилиб туришади. Мурожаатлар эса ҳеч қачон эътиборсиз қолдирилмайди. Зудлик билан бошига ташвиш тушган ёки бирон-бир муаммага дуч келиб, қийин вазиятга тушиб қолган инсонга кўмак бериш чоралари изланади. Шу боис мурожаат қилувчилар ушбу марказдан мамнун бўлишмоқда.

Хусусан, Шеробод туманидаги «Олтин воҳа» маҳалласида яшовчи фуқаро Зокирова Райхона Эшбой кизи «Ишонч телефони»га қуйидагича мурожаат қилган:

«Менинг онам Фотима Донаева (1970 йилда туғилган) 2019 йилда автоҳалокатга учраган. Яхши битмаган жароҳати туфайли онамнинг оёғи йиринглаган. Мен шу сабабли онамни Шеробод туманидаги марказий шифохонага олиб бордим. Шифокорлар онамни қабул қилшмапти. Бош шифокор ўринбосари Баҳодир Курбанов отамга «қўлингдан келганини қил», деган. Сиздан шлтимос, онамни тумандаги марказий шифохонага қабул қилшларида амалий ёрдам беришингизни сўрайман. Мен бу масалада ёрдам сўраб «103»га мурожаат қилдим. Натижа бўлмади».

Ушбу мурожаатдан сўнг аҳвол вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва касаба уюшма ходимлари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Мурожаатчининг онаси касалхонага ётқизибли, тегишли муолажалар қилинди. Бундай эътибор ва ғамхўрликдан кўнгли тоғдек кўтарилган она ва бола «Ишонч телефони»га ташаккурнома хати йўлланди.

Мурожаатдан ҳам кўриниб турибдики, оддийгина эътиборсизлик ва лоқайдлик, сансалорлик инсон бошига турли ташвишлар тушишига, асабларини қақшатиб, ортиқча овозгарчиликларга сабаб бўляпти. Чорасиз қолган инсонлар охирига нажот нуқтаси сифатида ушбу марказга мурожаат қилишиб, ёрдам сўрашга мажбур бўлишяпти. Навбатчи жамоа туну кун қизматга шай туриб, мурожаатларни ижобий ҳал этишга муваффақ бўлаётгани учун унга нисбатан халқнинг ишончи тобора ортиб бормоқда.

Чори **ЖУМАКУЛОВ**
«ISHONCH»

◆ **ФЕСТИВАЛЬ**

Пойтахтимиздаги Наврўз истироҳат боғида «Тошкент битирувчилари ва талаба ёшлар 2024» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан талаба ёшларнинг бўш вақтларини самарали ва мазмунли ўтказиш мақсадида гастрономик ва пазандачилик фестивали ташкил этилди.

Билимлар бойиди

Эликка яқин олий таълим муассасаси талабаси иштирок этган тадбирда ёшлар ўзларининг соҳадаги иқтидор ва малакаларини намойиш этишди.

– Биз мазкур тадбирда юртимиз худудларининг ўзига хос урф-одатлари, таомлари билан яқиндан танишдик, – дейди талаба Рўзхон Қандарова.

Тадбир иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Талабаларнинг юртимиз худудлари ва аънавалари ҳақида билимлари янада бойиди.

Дилбар **МИРЗАКУЛОВА**,
Ўзбекистон давлат эжаҳон тиллари университети талабаси

◆ **«АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...**

Эътиборда гап кўп. Озгина эътибор ва ғамхўрлик инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин экан. Қуйида шу ҳақда сўз юритамиз.

Миршкор тумани «Айзабод» маҳалласида яшовчи Гулсанам Эшбоевнинг боқувчиси йўқ. Уч нафар фарзанди бор. Мухтожлик сабаб уйи анча эскирган. Томидан чакка томади, эшик-деразалари кўримсиз – изиллаб совуқ ўтади.

Ишчи гуруҳ хулосасига кўра, у «Аёллар дафтари»га киритилди. Маблағ ажратилиб, уйининг томи тўлиқ қайтадан ёпилди. Янги эшик-ромлар ўрнатилди. Аёлнинг икки фарзанди қурилиш ташкилотига ишга жойланди. Қарабсизки, бугунги кунда уйга ҳам, рўзғорга ҳам файз кириб қолди. Онанинг дили умид ва шукронага тўла...

Шу маҳаллада яшовчи Сабоҳат Шерованинг ҳам «Аёллар дафтари» сабаб ҳаёти бутунлай ўзгарди. Унинг вояга етмаган икки нафар боласи бор. Боқувчиси йўқ. Уйининг аҳолини кўрсангиз, ачириб кетасиз. Сабоҳатнинг ҳам уйи таъмирланди. Миршкор тумани ҳокимлиги ташаббуси билан оилага соғин сигир тақдим этилди. Рўзғорга оқ кирди, барака кирди. Бундан ташқари, Сабоҳат «Сабоҳат гунчалари» нодавлат мактабга ҳам таълим ташкилига мудири бўлиб иш бошлади. Бугун кўл остида 15 нафар ходими бор, 150 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия ишида камарбаста...

Қамола Чориева болаликдан ногирон. Унга эндопротез қўйириш учун маблағ ажратилди. Даволаниб чиққач, юриши яхшиланди. Киз Тошкентдаги имкони-

Энди улар ҳам бошқалардан кам эмас



миллион сўм кредит олиб, тикув цехи фаолиятини йўлга қўйди. Бугун унинг цехида эҳтижманд хотин-қизларнинг олти нафари иш билан таъминланган.

Юлдуз Нормуродова 6 нафар фарзанднинг онаси. «Аёллар дафтари»нинг бешинчи босқичига кирган бу аёл ўзини ўзи банд қилиш мақсадида банкдан 5 миллион сўм кредит олди. Маҳалла худудидаги ташландик бинони таъмирлаб, нон ва нон маҳсулот-

лари бўйича тахсил олишаётир. Ҳозиргача 15 нафар хотин-қиз «Миршкортекстиль» корхонасига ишга жойлаштирилди.

Тадбирли одам давлат ва жамиятга ҳар доим керак. Айзабодлик Асалой Беганова кишлоққошларининг олий ўқув юртиларига киришига кўмаклашиш мақсадида ташландик бинони таъмирлаб, ўқув маркази ташкил этди.

– Ҳозир Қарши давлат университетини тугатганман. Олий ўқув юртига киргунча бошқа шаҳарларга бориб, тайёрлов гуруҳларида кўшимча сабоқ олганмиз, – дейди «Айзабод» маҳалласи хотин-қизлар фаоли Гулруҳ Шавалиева. – Бу ортиқча харажат ва овозгарчиликларни келтириб чиқарган. Кишлоғимизда ўқув маркази очилгани яхши бўлди. Ҳозирнинг ҳам икки фарзандим шу ерга қатнапти. Биз бу қулайликдан хурсандим...

«Аёллар дафтари»нинг шарофати билан II гуруҳ ногирони Дилрабо Рустамова даволаниб, саломатлигини тиклади. Тикувчиликдан яхшигина хабари бор эди. «Миршкортекстиль» корхонасига ишга кирди. Энди у бировдан кам эмас. Соғлом ҳаёт тарзи ва завқидан баҳраманд.

Инсон қадрини юксалтиришни мақсад қилган «Аёллар дафтари» кўплаб хотин-қизларни чорасизлик ва иложсизликдан олиб чиқиб, ҳаётда янги саҳифалар очиб бергани билан таҳсинга лойиқ. Бундан ташқари «Айзабод» маҳалласидаги янгиликлардан ҳам кўриш мумкин.

Акмал **АБДИЕВ**
«ISHONCH»

◆ **МУЛОҲАЗА**

Иштихон тумани тиббиёт бирлашмаси маъмурияти қонун талабларини четга суриб қўйгани боис шифокор Жўракул Очилов анча азият чекди. Аввалига у туман адлия бўлимига мурожаат қилди. Ҳолатни ўрганиш ҳуқуқ ҳимоячилари бирлашма маъмуриятининг буйруғи ноқонуний эканини аниқлаб, хатоликни тузатиш тўғрисида кўрсатма берди.

КАТОЛИККА МУАЙЯН ШАХСЛАР ЙЎЛ ҚЎЯДИЮ, ЖАБРИНИ БЮДЖЕТ ТОРТИШИ КЕРАКМИ?

«Адлия талабидан сўнг маъмурият томонидан йўл қўйилган камчиликнинг бартараф этилишини узоқ кўтдим. Иш берувчи қонуний талабни пиланд қилмади. Энди бутун умидим касаба уюшмаларида...», дейди Жўракул Очилов касаба уюшмаларига йўллаган мурожаатида.

Мурожаат касаба уюшмалари меҳнат инспекцияси томонидан ўрганилди. Аниқланишича, кўп тармоқли марказий поликлиникада бир ставка стоматолог-врач вазифасида ишлаб келган ходим ўтган йилнинг июль ойида ТТБ маъмуриятининг 2650-79-ТВ/2023-сонли буйруғи билан 0,5 ставка шифокорлик вазифасига тўширилган. Бу жараёнда ходим аввалдан оголантирилмасдан, ёзма розилиги олинмасдан иш қўрилган. Натижада, юридикда буйруқ рўқча қилиниб, унга тўланаётган иш ҳақи миқдори кескин қисқартириб юборилган.

– Мурожаатни синчиклаб ўрганишимизда, тиббиёт бирлашмаси Меҳнат кодексининг 137-,150-, 569-моддаларини кўп тарзда бузганини аниқладик, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Улуғбек Ғаниев. – Йўл қўйилган камчиликни иш берувчи ва ташкилот кадрлар бўлими билан муҳокама қилдик. Олиб борилган музокараларимиз натижа бермади. Масалани судга олиб чиқишга мажбур бўлдик.

Бир ой муқаддам бўлиб ўтган очик суд мажлисида масала афроғича муҳокама этилди. Иштихон туманлараро фуқаролик суди томонидан ТТБ маъмуриятининг юқорида зикр этилган буйруғи ноқонуний деб топилди. Суд қарори билан шифокор Жўракул Очилов бир ставкалик стоматолог-врач вазифасига тикланди. Унинг фойдасига тўланмай келинган 10 471 591 сўм иш ҳақи ҳамда 1 500 000 сўм миқдорда маънавий зарар ундирилган бўлди.

Шу билан масала ёпилди. Бироқ тўланмаган иш ҳақи ва маънавий зарарни қим қоплайди, деган савол очик қолпти. Ана шу жойда қонунларимиздаги бўшлиқ кўзга ташланиб қолади. Уйлаб кўринг, хатоликка муайян шахслар йўл қўйдию, жабрини бюджет тортиши керакми? Қолаверса, тиббиётга ажратилаётган харажатларда маънавий зарар ва суд харажатларини тўлашга маблағ йўналтирилганини ўзи? Бундай ундирувларни қондабузар ҳаётига қаратса бўлмайди?

Агар шундай амалиёт қўлланилса, қонунларимизга бўлган эътибор, хурмат ҳам жойига тушарди.

Нурйлла **ШАМСИЕВ**
«ISHONCH»

«Сабоҳатнинг ҳам уйи таъмирланди. Миршкор тумани ҳокимлиги ташаббуси билан оилага соғин сигир тақдим этилди. Рўзғорга оқ кирди, барака кирди. Бундан ташқари, Сабоҳат «Сабоҳат гунчалари» нодавлат мактабга ҳам таълим ташкилига мудири бўлиб иш бошлади. Бугун кўл остида 15 нафар ходими бор, 150 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия ишида камарбаста...

яти чекланган болалар касб-хунар мактабиде тахсил олганди. Чеварлик фаолиятини йўлга қўйиши учун унга субсидия асосида тикув машинаси ҳам олиб берилди.

Зилола Ҳакбердиева ногирон фарзанди борлиги учун «Аёллар дафтари»га киритилганди. Боласига бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани ҳамда яратилаётган имкониятлар аёлнинг шижоатини оширди. У 100

лари пиширишни йўлга қўйди. Нафақат ўзи, келинлари ҳамда икки қўшнисининг бандлигини таъминлаган аёл тақдирдан, аниқроғи, «Аёллар дафтари»дан мамнун. Бугун қўли ширин аёллар буюртма асосида тўй ва маросимларга нон ҳамда турли пиширилган тайёрлаб беришяпти.

«Аёллар дафтари»нинг ишсизлар тоифасига кирган хотин-қизлар ўқув курсларида тикувчилик ва компьютер саводхонлиги йўнали-

◆ **ФИКР**

«Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонунда қайд этилишича, касаба уюшмаси фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиш тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода-лаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган ихтиёрий жамоат бирлашмадир.

ЕТАКЧИ ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

Бугунги давр талабларидан келиб чиқиб, фикр юритсак, ҳар бир касаба уюшмаси етакчиси, аввало, етарли билимга, юқори малака, катта тажриба, касбий маҳорат ва маънавий камолотга эга бўлиши керак. У ўз фаолиятида, айниқса, билим асосий ва хал қилувчи омил эканлигини унутмаслиги лозим. Бу жиҳатдан қонунчилик, ҳуқуқ, иқтисодиёт, молия ва меҳнат муносабатлари соҳасидаги билимлар ҳамда тушунчалар алоҳида эътиборга молик масалалардир.

Иқтисодиёт назариясидаги «базис» ва «усткурма» каби тушунчалар моҳиятидан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, билимни етакчи фаолиятнинг асоси, малака ва тажрибани усткурмаси дейиш мумкин. Билимни бўлиш, билимга чорлаш, даъват этиш, унга интилиш инсоният тарихида қадим-қадимдан эзгу ғоялардан бири сифатида илгари сурилган. Бунга кўплаб мисоллар топилди. Масалан, хитой халқининг «Ҳақиқий илм – нимани билсанг, шуни билишгини билиш, нимани билмасанг, шуни билишгини билишдир» деган ҳикмати бор. Хадисларимиздан бирида эса «Бешиқдан то қабргача илм изла», дея уқтирилган. Бу ҳар бир етакчи билимни ошириш учун доимо изланишда бўлишни тақозо этади.

Иш берувчилар билан ижтимоий шериклик таъминоти асосида тўлақонли ҳамкорликни йўлга қўйиш касаба уюшмаларининг тактикаси, мафқураси сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Ўз навбатида, касаба уюшмаси ташкилоти етакчисининг мафқураси жамоа орузуси билан ҳамроҳан бўлиб, унинг амалга ошишига хизмат

қилиши зарур. Агар жамиятда инсон омилли ва унинг ўрни тушунчаси феномен сифатида қабул қилинса, етакчи – раҳбарнинг ўрни ва фаолияти самараси қандай омиллар ва мезонларга боғлиқ?

Ҳар қандай раҳбар ҳаётининг мазмуни, аввало, жамоасига, жамиятга ва халққа садоқат ила хизмат қилишдан иборат. Шу ўринда буюқ файласуф Афлотуннинг «Ўзлар бахтли бўлишлари учун қайғур-биз ўз бахтимизни топамиз», деган ҳикмати ганини эслаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда касаба уюшмаси етакчилари фаолияти мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлида амалга оширилаётган сайёҳаракатлар моҳиятига ҳаримонан ва самарали бўлиши, аввало, барча даражадаги касаба уюшмаси кадрларига, уларнинг билими, салоҳияти, тажрибаси ва ҳуқуқий саводхонлигига бевосита боғлиқ. Ҳар бир меҳнат жамоаси катта ишонч ва умид билан ўз етакчисини сайлайди. Етакчи учун эса ишонччи оқлаш – олий бурч, инсонларга наф келтириш – олий бахт! Ўша бурчни муваффақиятли уддалаши ва эзгу мақсадга эришиши учун етакчи қуйидаги шартларга қатъий риоя қилиши лозим:

Биринчидан, одамийлик, маънавий камолот, самимийлик ва ахлоқий ибрат каби инсоний фазилатларга доимо содиқ қолиш;

Иккинчидан, истеъдод ва иқтидор мезони саналмиш билим, тажриба, касбий маҳорат ва малакага таяниб иш тутуш;

Учинчидан, фаолияти давомида ҳамisha мардлик, халқпарварлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик, изланувчанлик, танқидий таҳлил ва ўз устида ишлаш каби фазилатлар устуворлигини намоён этиш;

Тўртинчидан, ўз ҳаёти ва фаолиятида масъулият, ошқоралик, коллегиялик ва қонун устуворлигини таъминлаш каби принципларга оғишмай амал қилиш;

Бешинчидан, давр талаби, мамлакатимизда турли соҳалар бўйича ўтказилаётган ислохотларнинг, янги қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, уларга киритилаётган ўзгаришлар ва қўшимчаларнинг, амалга оширилаётган сайёҳаракатларнинг мазмуни-моҳиятини тереан англаб етиш, ҳуқуқ, иқтисодиёт, молия, сиёсат ва дипломатия масалаларида ҳам етарлича билим ҳамда малакага эга ибратли инсон бўлиш.

Юқорида қайд этилган фазилатлар, меъзонлар, сифатлар, принциплар, билим ҳамда малака ҳар бир етакчи учун ўзига билдирилган ишонччи оқлашни ва давр талабига жавоб бера оладиган салоҳиятга эга бўлиши таъминловчи асосий омиллар саналади.

Бугунги кунда касаба уюшма ташкилотлари ўз фаолиятини қонунан белгиланган ҳуқуқлар ва ваколатлари доирасида ҳамда низомига мувофиқ юритиш билан бир қаторда, корхоналардаги меҳнатга оид муносабатларда ходимлар манфаатларини ифода этувчи ва ҳимоя қилувчи вакиллик органи сифатида ҳам иш юритмоқда. Юртимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш, бозор иқтисодиётига хос ижтимоий меҳнат муносабатларини шакллантириш жараёнининг ҳозирги босқичида, мулкчилик шакли ва ҳўжалик юритиш услубидан қатъий назар, ҳар бир корхонанинг тараққиёти ва ходимларнинг турмуш фаровонлиги – иш берувчи билан ишчи-хизматчиларнинг вакилик органи ўрта-сидаги ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик қай даражада йўлга қўйилганига боғлиқ. Баҳам-жиҳатликда иш юритиш ва умумий мақсадга қаратилган сайёҳаракатлар эса ҳар доим ўз самарасини бериб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ғафуржон **ҲАМИДОВ**,
Техника фанлари номзоиди,
I даражали меҳнат фахрийси

НУҚТАИ НАЗАР

Яқинларимдан бири амалдор. Хоразмга борсам, албатта, мени излаб топади ва меҳмонга чақиради. Уйига борганимда тоқчада Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини ва бошқа бир қанча китобларни кўраман. Уларни варақлаётганимда хотини кибриб қолса, «Э, укангизга китоб ўқишга вақт қайда?.. ишдан ярим тунда қайтади, баъзан қачон келганини сезмай ҳам қоламан. Мансабдор бўлганига ўзи ҳам пушаймон...», дейди.

Амалдор

ҚАЧОН КИТОБ ЎҚИЙДИ

Кейинги сафар меҳмон бўлганимда ўша тоқчада Азизиддин Насафийнинг 2021 йилда Тошкентдаги Фафур Гулом номидаги нашриёт-маъбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган «Комил инсон» китоби турганини кўрдим. Кўлимга олиб қарасам, у ҳали варақланмаган экан. Узим таваккал қилиб очдим ва куйидаги жумлаларни овоз чиқариб ўқий бошладим: «Эй дарвеш! Кимки бу нур дарёсига етиб, бу нур дарёсига ғарқ бўлган бўлса, ундай одамнинг оломатлари кўдир. Дунё аҳли сулҳу салоҳда бўлар; барчага шафқат ва марҳамат назари билан қарайди; ҳеч кимдан ёрдамни дариг тутмайди».

– Ҳа, Насафий ибратли, фикрли файласуф, – дедим яқинимни гапга ундаб.
– Э, уни ўқишга вақт қани? Эрталабдан то тунгача югур-югур, чоп-чоп. Амалнинг юки, захмати оғир...

Кейин у гоҳ соатлаб йиғилишларда ўтиришини, гоҳ тadbиркорлар ёки йул қурувчилар ҳисоботини, гоҳ эридан норози аёллар арз-додини ештишини айтди. Баъзан видеоселектор чоғи уйкуга тўймаган кўзлари юмилиб кетишини, гул экмаган мактаб директорлари билан тортишиб қолишини, чиқинди тўла ариқларини тозалатишга ҳам ўзи жавобгар эканини ҳар сафаргидек куйиниб гапирди...

Тан олиш керак, кейинги беш-олти йил ичида шаҳар ва кишлоқлар қиёфаси ўзгарди, ариқларда сув пайдо бўлди. Чала бўлса ҳам, кўчалар асфальтланяпти, янги кўчатлар ўтказилляпти. Бир пайтлар сув шўрлиги туфайли кўкаламзорлаштириш мумкин эмас, дейилган каровсиз йўллар бўйларига, ховлилар атрофларида янги-янги манзарали дарахтлар, болалар

ўйингоҳлари пайдо бўляпти. Танишларим Хивани ҳам гуллар шаҳри Наманганга қиёслашди. Сайёҳлар Ичан-қалъа ансамблидан ва унинг атрофидаги янги эстетик қиёфадан катта таассуротлар олишади.

Бироқ тан олиш керак, аҳолининг аксариятидаги беғамлик ва ҳокимият ишларидан норозиликни, айрим мансабдорларнинг ўз вази-фаларига ва ён-атрофдаги ўзгартиришга бе-парволарча қарашларини ўзгартириш осон кечмаётган. Маҳаллий ҳокимиятдаги кўзбўямачилик ва бўйруқбозликлар, ободонлаштириш учун мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, талабалар ва давлат ишчи-ходимларидан пул йиғишлар ҳамон давом этаётган. Яна денг, аслида маъмурий мажбуриятга кирувчи бу усулни «ихтиёрий пул ўтказиш» деб ҳаспўшланиши. Шаҳар-туманларда аҳолини иш билан таъминлаш имкониятлари кўплигини била туриб, улاردан унумли фойдаланишмайди.

Ичан-қалъа атрофидаги маҳаллаларга сўнгги ўттиз йил ичида бирор амалдор кириб, «Нима учун йўлақлар бу даражада хароб? Нега кўллаб ховлилар ва томорқалар ташландик ҳолда? Ёмғир ёғса, юриб бўлмайдиган жин кўчалар нега кўп?» деган саволларни ўз-ўзига бериб кўрмаганга ўхшайди. Наҳотки, биз ариқларни тез-тез тозалаб туриш, бозорларни тартибга келтириш лозимлигини, мева-сабзавотларни чанг йўлақларда сотиш санитария қоидаларига зид эканлигини унутган бўлсак? Хива шаҳрида замонавий бинога эга бирорта маданият маскани йўқлиги гоёят ачинарли ҳол эмасми? Тўғри, бу ерда «Локомотив» истироҳат боғи қурилган. Лекин у мавсумий ишлайди. Ёшлар бўш вақтларини марокли ва мазмуни ўтказишларига мўлжалланган, уларни замонавий билимлар олишга, инновацион изланишлар олиб боришга ўргатувчи рекреация масканлари йўқ. Холбуки, чет эллик сайёҳлардан тушадиган маблағ эвазига бунақа шохобчаларни ҳар бир маҳаллада курса бўлади-ку!..

Хива шаҳрида учта китоб дўкони бор дейишди. Уларни бориб кўрдим. Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» асари бор экан, хурсанд бўлиб олдим. Бироқ маҳаллий муаллифларнинг китоблари йўқ. Сотувчиларда кўп тақсимоти маданиятни кўринмайди, ҳаммаси аралаш-қуралаш, ҳусусий бўлгани учун уларга ҳеч ким эътироз билдиролмайди.

Дарвоқе, амалдор яқиним маданият бўлими, шаҳар ахборот-ресурс маркази мослаштирилган бинода эканини, алоҳида бино қуриш зарурлигини, бу борада ҳокимият бош қотираётганини эслатди. Эзгу мақсадга ишонгим ке-

лади, аммо давлат бюджет тақсироти кесмида маданият соҳаси энг охириги ўринда туришини эслаб, бошқача йўл топиш керак, деган фикрга бораман. Нима учун ҳокимият, Ёшлар иттифоқи, ижодий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари, маориф бўлимлари аҳоли учун замонавий маданий марказ қуриш ташаббуси билан чиқиши мумкин эмас? Ҳар ким икки донадан ғишт келтирса, икки қаватли Маданият марказини тикласа бўлади. Шунда давлат бюджетга кўз тикиб ўтиришга ҳожат қолмайди. Албатта, бундай хайрли ишларни «йиғ-йиғ»лар орқали эмас, балки аҳоли ташаббусига таяниб амалга ошириш жоиз.

Сўхбатимиз жараёнида яқинимга Азизиддин Насафийнинг айрим фикрлари орадан саккиз аср ўтган бўлса ҳам қимматини йўқотмаганини айтдим. Донишманднинг қарашлари сўхбатдошимда ҳам қизиқарли ўйотди, у китобни қўлига олиб, фасларига кўз югуртирди. Сўнгра бир четга қўйarkan, вақт томиб ўқишини айтди. Тўрт кун ўтган, менга кўнғирок қилиб, миннатдорчилик билдирди. Насафийнинг куйидаги фикри жуда маъқул келганини алоҳида таъкидлади: «Давлат ва тарбия – одамларнинг орасидан ёмон одамларни кўтармок; одамларнинг яшаш тарзи, тирикчилигини осон қилмок; одамларни бир-бири билан дўст ва шафқатли этмок; одамлар бир-бирига нисбатан тўғри сўз ва тўғри амалда бўлишларига ҳаракат қилмокдир».

Шарқона дидактикага мувофиқ, бу фикр амалдор яқиним қалбидан жой олгани мени қувонтирди, албатта. Чунки фаровон турмуш кеңиришимизда амалдорларнинг ҳиссаси катта. Улар элпарвар, адолатли ва ҳалол-поқ бўлишига эришмай туриб, халқ ҳаётида ижобий ўзгариш яшаш қийин. Аммо биз уларни китоб ўқиш, мутолаа орқали эмас, видеоселектор йиғилишлари, мобил телефонлар билан элпарвар, адолатли ва пок қилишга жазм қилмаяпмизми? Ахир, эрта тонгдан ярим тунгача югур-югур билан банд бўлган амалдор қачон китоб ўқийди, маърифатли бўлиш учун қачон вақт топади? Умринг мазмуни, ҳаётнинг маъно-ҳикмати ҳақида ўйлаб кўрмаган, унга жавоб топишга интилмаган амалдорнинг «чоп-чоп»лари уни, алаокибат бошқаларни ҳам афсус-надоматлар гирдобига қолдирмайди?

P/S. Тошкентга қайтганимдан кейин бир кун ўтар-ўтмас, яқиним яна кўнғирок қилди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Насафий китобидан ўзига ёққан яна бир фикрнинг ўқиб берди: «Эй дарвеш! Барча одамлар бу оламда зиндон асирларидирлар, пайғамбарлар ҳам, авлиёлар ҳам, султонлар ҳам, ҳокимлар ҳам – ҳамма занжир ва қишандадир. Кимдир битта кишан билан боғланган, кимдир иккита кишан билан, кимдир ўн та кишан билан, кимдир юзта кишан билан, кимдир мингта кишан билан бандда, тутқундадир... занжир ва банд кўнпроқ бўлса, машаққат ва азоб ҳам шунга яраша кўпаяди». Серташвиш дунёнинг пурмаъно тавсифи ва рост таҳлили бу! Тўғри, амалдорни ва зифаси ташвишларидан батамом халос этишнинг асло имкони йўқ ва бу мумкин ҳам эмас, аммо уни ҳаётга алъамона ёндашишга ўргатса бўлади. Бунда китоблар, айниқса, Насафийдек файласуфларнинг ҳаёт ҳақидаги доно фикрлари жуда қўл келишига ишончимиз қокимил.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори

66 Сўхбатимиз жараёнида яқинимга Азизиддин Насафийнинг айрим фикрлари орадан саккиз аср ўтган бўлса ҳам қимматини йўқотмаганини айтдим. Донишманднинг қарашлари сўхбатдошимда ҳам қизиқарли ўйотди, у китобни қўлига олиб, фасларига кўз югуртирди. Сўнгра бир четга қўйarkan, вақт томиб ўқишини айтди. Тўрт кун ўтган, менга кўнғирок қилиб, миннатдорчилик билдирди. Насафийнинг куйидаги фикри жуда маъқул келганини алоҳида таъкидлади: «Давлат ва тарбия – одамларнинг орасидан ёмон одамларни кўтармок; одамларнинг яшаш тарзи, тирикчилигини осон қилмок; одамларни бир-бири билан дўст ва шафқатли этмок; одамлар бир-бирига нисбатан тўғри сўз ва тўғри амалда бўлишларига ҳаракат қилмокдир».

МУШОҲАДА

«Ўзбекдай бола-жон халқ йўқ» деб мақтанишни яхши кўраимиз. «Бола-жон» дегани боласи кўп деганими? Ёки болаларга меҳрибонликни англатадими? Атрофда бўлаётган айрим воқеалар эса болапарварлигимизни шубҳа остида қолдиради. Жумладан, чақалокни туғуруқхонадан дабдаба билан олиб чиқиш, «фарзанд кўрдим», дея бир неча кун қуюқ зиёфат бериш болажонликдан далолат эмас.

Зеро, бу пайтда камқонликдан азият чекаётган ёш она чақалоғига озуқа етказма олмай, йиғисини қандай тўхтатишни билмай, овора бўлаётган бўлади. Кўп ўтмай, чақалоқ хасталанади. Аввалига «кўз теккан», деб исриқ тутатамиз, ўз билганимизча дори ичтирамаиз, «бола боқини билмайсан», деб онани койиймиз. Фойдаси бўлавермагач, шифокорга олиб борамаиз.

Шифохоналарда эса хаста болалар кўп. Навбатда туришга асаби-миз дош бермай, тўрт томонга югуриб, кимга қарашга улгурмаётган навбатчи шифокорни бобиллатиб сўкамаиз. «Бизда тиббиёт ҳеч қачон ривожланмайдми, ҳамма дўхтирлар дипломини сотиб олган, порохўр», дея ижтимоий тармоқда айюҳаннос соламаиз. Ваҳоланки, келинчақ хомилалорлигида унинг соғлиги ҳақида қайғурганимизда, вақтида шифокор кўригига олиб борганимизда, ота-она гўдақ парвариши ҳақида билимга эга бўлганида, зиёфатга кетган маблағимизни оилага сарфлаганимизда, чақалоқни шифохонага олиб келишга зарурат қолмаслиги мумкин эди.

Бизда «бола ўзи катта бўлаверади», деган қараш бор. Унинг саломатлиги, тарбиясига ҳамма оилада ҳам алоҳида эътибор қаратилавермайди. «Биз йиқилиб-йиқилиб катта бўлганимиз, беш ёшимизда мол боққан-миз, ўн ёшимизда далада ишлаган-миз», дейишди катталар. Алаокибат, орадан йиллар ўтиб, «Бизур ўн икки ёшида подшоҳ бўлган, бизникилар ўлттизга чиқиб ҳам қўлидан бир иш келмайди!», деб нолиймиз.

«Бўлса – хўб-хўб, бўлмаса – болалар ер», деган иборани кўп ишлатишади.

Бу ҳосил сифатли бўлса, бозорга олиб чиқишлигини, сифатсизлари уйда қолишини англатади. Аслида ҳам ҳамма бола-сига энг яхшисини раво кўравермайди. Бозорда кўп кузатганман, уйга қирган, уникқан мевалар, сабзавотлар, сабзавотларга эса яхшиси. Бунинг оқибатида қанча болалар қанчасини



гижжа безовта қилади, йод етишмовчилиги ва бошқа касалликлар кузатиляпти.

Боланинг тўғри овқатланишини, рухий-маънавий, жисмоний ривожланишини таъминлаш ҳар бир ота-онанинг бурчи. Афсуски, айрим ота-оналар бу масъулиятни ҳис қилмайдилар. Тўғри, бола – овулчоқ. Уни хоҳласа эрқалатади, хоҳласа уришади.

Оддийгина тиш ювиш қоидасини билмайдиган болалар қанча? Сочини йўқ болалар қанча? «Кейинги йил ҳам қияди», дея эллик сўм маблағни иқтисод қилиш учун бир размер катта оёқ кийими олиб бериб, болани ортопедик касалликларга дучор қилиб қўяётганлар қанча? Ота-онанинг эътиборсизлиги туфайли сувга тушиб кетган, қуйган, жароҳат олган болалар оз эмас. Ёки боланинг тағлигини алмаштиришга эриниб, мунтазам памперс кийдириб қўйганлик оқибатида касалликка чалинаётган болалар сони ортиб бораётгани-чи?

Улар-ку, ҳал қилиш мумкин бўлган муаммолар, аммо ота-она масъулиятсизлиги оқибатида етим, каровсиз қолаётган болалар сони ортиб бораётгани фожиадир. Меҳрга зор бўлиб ўсаётган кемтик қалбларда эртага нафақат ота-она-сига, балки жамиятга нисбатан ҳам нафрат туйғуси шақланмаслигига ким қафолат беради?

«Бўлса – хўб-хўб, Бўлмаса – болалар ер»

ёхуд фарзандларимизни кимдан ва нимадан ҳимоя қилишимиз керак?

Ота-онаси бағрида туриб ҳам эътиборга муҳтож болалар йўқ эмас. Маълумотларга кўра, дунёда 300 миллиондан зиёд 2-4 ёш оралиғидаги болалар жисмоний ва руҳий зуравонлик-иқтисодий ҳақида қанча эътибор қилинмайдми. Уларни қийнаётганлар ота-оналар, яқинлари, тарбиячиларидир. Ачинарли жиҳати, ҳамма болалар ҳам зуравонлик ҳақида қонун ҳимоячиларини, меҳрибонларини хабардор қила олмайди. Алаокибат, уларга ўз вақтида тиббий, руҳий, ижтимоий кўмак берилмайди.

Болаларга нисбатан таъбирлар туфайли улар нимжон, касалланд бўлиб вояга етиши, эртага мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қанча зиён келтириши ҳақида ўйлаб кўрганмизми? Маълумотларда қайд қилинишича, ҳар йили дунёда 40 миңдан зиёд турли ёшдаги болалар айнан зуравонлик оқибатида ҳаёт билан видолашадилар.

Кўплаб фильмларда, асарларда турли жиноятлар содир қилган инсонлар болаликда зуравонлик қурбони бўлгани тилга олинади. Атрофимизда ҳам бунга мисоллар кўп. Муфассалар фикрича, доимий стресслар бола миясининг ривожланиши бузилишига олиб келади. Асаб ва иммунитет тизимига салбий таъсир қўрсатади. Оқибатда улар зуравонликка мойил бўлиб қоладилар. Болалар орасида чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳванд ёки психотроп моддаларга ружу қўйиш, ўғирлик, безорилик ёки бошқа жиноятларга мойиллик айнан уларга қийинган тажовуз оқибатлари бўлиши мумкин. Зуравонликка қалин-

ганларда эрта хомилалорлик, ОИВга қалинши эҳтимоли ҳам юқори бўлади. Зуравонлик қурбонларида билим олиш, касб-хунар эгаллаш имкониятлари қанча эришмайди. Булар бизни ўйлантириши, болаларга муносабатимизни ўзгартириши керак.

Ота-оналар, тарбиячилар нима сабаблар билан болаларга зуравонлик қилиши таҳлил қилинганда, бир неча омиллар аниқланган. Маълум бўлишича, ота-оналик кўнжимасининг йўқлиги, чақалоқ билан ҳиссий яқинликнинг етишмаслиги, боланинг ривожланиш ҳусусиятлари ҳақида билимга, тушунчага эга эмаслиги, оиладаги молиявий қийинчиликлар, ўзаро муносабатлардаги муаммолар уларни болаларга азоб беришга ундайди. Демак, болаларни ҳимоя қилишимиз учун ёшларни оилага тайёрлаш масаласига эътиборни қучайтириш зарур.

Юз миллионлаб пул сарфлаб тўй қилиш ўрнига, ушбу маблағни ёшларнинг касб-хунарли бўлиши, жамиятда ўрнини топиши учун сарфласак, келажакимизни кўплаб салбий асоратлардан ҳимоя қилган бўламиз. «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур», деган мақолдан ҳар вазиятда хулоса чиқариб, ўз ҳаётимиз, ҳаракатларимиз билан қиёслаб борсак, кўплаб салбий оқибатларнинг олдини олишимиз мумкин.

Болаларга етказаятган энг катта зиёнимиз уларни гаджетларга қарам қилиб қўяётганимиздир. Ёшига етмаган гўдақларни ҳам телефон билан овутамиз. Она учун муҳими, йиғламаса, уй юмушларини қилишига ёки сериал кўришига, ижтимоий тармоқларда лақиллаб ўтиришига ҳалқат қилмас бас. Кейинги йилларда болалар ва ўсмирларда саратон, юрак

Мухаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»



«ТАСКИН»ДА ТАСКИН ТОШАЁТГАН БОЛАЛИК

пойтахтимизда фаолият юритаётган хосписда бир кун

Маълумот: Хоспис - даволашнинг сўнги босқичларидан ўтган, умрининг деярли сўнги кунларини ўтказётган бемор ва унинг яқинларининг ҳаёт сифатини яхшилайдиган маскан.

«Таскин» болалар хосписи 2022 йилда очилган. Муассасада саратонга чалинган беморларга бепул паллиатив ёрдам кўрсатилади. Шу пайтгача 350 нафардан зиёд оғир ҳолатдаги бемор бола бу манзилда бўлишган.

Марказнинг ўзига хосликлари кўп. Мамлакатимизда шу пайтгача беморнинг яқинларига психолог ёрдам кўрсатилмаган. Уларга касаллик ҳақидаги тўлиқ ҳақиқатлар айтилмаган. Жамиятимизда ўлим мавзусини кўтариш оддий ҳол эмас. Терма даврда - бемор ва унинг қариндошлари учун энг оғир вақт - улар оғрик ва қорасизлик, яқин одамга ёрдам бера олмаслиги дарди билан ёлғиз қолишган. Саратонда жуда кучли оғрик кузатилади ва бу пайтда ота-оналар ҳам қаттиқ эзтириб чекади. Бир сўз билан айтганда, хоспис ўлимни вақтинча яқинлаштирмайдиган, аммо шу билан бирга, узоқлаштира олмайдиган маскан.

Биз ҳаммани даволай олмаيمиз, аммо ҳаётининг сўнги лаҳзалари олдиндигдек фаол ва тўла бўлишига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин, - дейди хоспис раҳбари, онколог Рустам Норбоев.

ХОСПИС ҲАҚИДА

Хосписга жойлашиш учун ордер ёки йўллама керак бўлмайди, фақат беморларда шифохонада даволашиб чиққани ҳақидаги қоғоз бўлса kifoy. Бемор ва унга ҳамроҳлик қилувчилар 10 кун давомида алоҳида ажратилган хонада яшайди, бироқ амалиётда 2-3 ойлаб ётган болалар бўлган.

Бир қараганда «Таскин» касалхонага ўхшамайди, узоқдан қараган одам замонавий боғчага келиб қоққан, деб ўйлайди. 20 та палатадан иборат ва ҳар бирида она-бола учун иккитадан ётоқ бор. Бемор боланинг қаравоти оддий эмас, функционал тиббий ётоқ. Шунингдек, хонада музлаткич, телевизор, стол ва стуллар, шкаф, алоҳида ҳаммом мавжуд. Хосписда умумий ўйин хонаси, кутубхона, психолог ва ижтимоий ишчи хоналари жойлашган.

Хосписда ўзига хос характерлар, оилалар ва касалликларга эга бўлган беморларнинг кенг доираси мавжуд. Ҳолсиз, юришга қийналган болалар учун махсус ногиронлар арачаси, хаттоки, хомийлар томонидан берилган болалар машинаси бор.

ҲАЁТ ШИРИН, БИРОҚ...

Айрим болаларнинг ахволига қараб, бу дунёдаги сўнги кунларини яшаётганига амин бўлсан. Бу нафақат ота-она, балки тиббиёт ходимлари ҳам дуч келадиган тўлиқ ҳаёт сўлиши. Оғриқлардан яшашга куч топиб, жажжи вужуди билан ҳаёт учун курашган боланинг кўз ўнгинида сўлиши ва ортик уни кўрмаслигиндан ортик мусибат бўлмаसा керак. «Таскин»даги психологлар бундай пайтда боланинг яқинлари учун катта бера оlishади.

ХОТИРА ХОНАСИ

Хосписдаги энг оғир хона. Бу ерда бир неча кун, ҳафта, ой олдин ҳаёт бўлган болаларнинг расмлари эсдалик учун осилган. Шундай бўлса-да, хосписдаги болаларга ҳеч қандай ўлим ҳақида сўз очмайди. Саратоннинг тўлиқ давоси йўқ, шундай экан, болаларнинг оғриқсиз бу дунёни тарк этиши учун барча шароит яратилган.

ОНАЛАР ЙИҒЛАМАСИН...

«Харбий бўлишни орзу қилиб юрган 14 ёшли ўғлим Отабек бирдан озиб кетди, - дейди Ойгул Тиркашева. - Томоғига яқин жойда каттагина шиш пайдо бўлди. Шунча даволашимизга қарамай, шиш қайтмади. Бир йилдан кейингина у лимфа туғунлари ўсимтаси эканини билдик. Бу орада вақт йўқотгандик... Кетма-кет энг кучли кимётерапия амалиёти ўтказилди. Афсуски, умуртка суякларига метастаза тарқаб улгурган экан, шу боис ўғлимнинг бу аъзоларида кучли оғрик кузатилади. Оғрик кучайган пайти хосписга келамиз. Чунки уйда оғриққа ўғлим ҳам, мен ҳам чидай олмаиман... Бу ерда оғрик қолдирувчи укол қилинади. Ўғлим тинч ухлайди.

Духтирлар ўғлимни тузалиб кетади, дейишди. Илоҳим, айтгани келсин. У ҳали орзусидагидек ҳарбий бўлади. Мен бунга ишонаман...

...Биз хосписда яна қўллаб оналар, болалар билан суҳбатлашдик. Аммо уларнинг дарди сўзларини батафсил қозғога тушира олмадик...

Қайтар чоғимиз дилимиздан ҳам, тилимиздан ҳам фақат шундай сўзлар ўтар эди: оналар ҳеч қандай йиғламасин.

...Яна хосписга қайтсак. Шу масканни барпо этиш ташаббускорлари, уни бунёд этганлар ва бу ерда фаолият юритаётганларга - ҳаёт синовларига елка тутаетганларга мингдан-миг ташаккур!

Феруза РАХИМОВА,
Қувончбек ТУРАЕВ (фото),
«Ishonch» мухбирлари

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИГА!

Узоқ йиллар турли юқори лавозимларда ишлаган, бор куч-ғайратини жамият ривожига бағишлаган, айниқса, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда жонбозлик кўрсатган Дилбар ҒУЛОМОВА билан суҳбатимиз касабани уюшмалари ҳақида бўлди. Ҳамон тетик ва серғайрат Дилбар опа айна пайтда Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича кўмитаси раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Дилбар ҒУЛОМОВА:

ҚАЕРДА ИШЛАСАМ ҲАМ

КАСАБА УЮШМАЛАРИДАГИ ТАЖРИБАМ ҚЎЛ КЕЛГАН



- Дилбар опа, касабани уюшмалари тизимида салкам 20 йил ишлаган экансиз. Шу даврлар ҳақида гапириб берсангиз.

- 1967-1973 йилларда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳридаги 180 нафар ишчига эга қурилиш-таъмирлаш бошқармасида иқтисодчи бўлиб ишлаганман. Уша вақтларда жамоатчилик асосида бошқарманинг касабани уюшма кўмитаси раиси вазифасини ҳам юритганман. Сўнг, 1973-1977 йилларда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 600 га яқин хотин-қизлар ишлайдиган «Лола» яқна буюртмачилар тикув фабрикасида касабани уюшмаси раиси бўлиб ишладим. 1981-1986 йилларда Тошкент вилояти маҳаллий саноат, коммунал хўжалиги ҳамда маиший хизмат кўрсатиш бирлаштирилган касабани уюшмаси кўмитаси раиси, 1986-1991 йилларда эса Тошкент вилояти касабани уюшмалари кенгаши раиси ўринбосари, кейинчалик раис лавозимларида ишлаганман. Шундай қилиб, жами 18 йил давомида мана шу тизим ичига бўлдим.

У вақтларда жами 21 та тармоқ касабани уюшмаси бор эди. Фаолият кўлами кенг касабани уюшмаларида катта тажриба тўпладим. Унинг асосини инсон омилли, унинг ҳақ-ҳуқуқи, хавфсизлиги, шароити ва муҳофазаси ташкил этиши менга маъқул эди. Шу боис тизимга меҳрим бўлакча. Биз билан бирга катта салоҳиятга эга, тажрибали меҳнат инспекторлари ишлаган. Улар ҳар бир корхонадаги ишчилар учун яратилган шароитлар, меҳнат муҳофазаси ва меҳнатга ярошар ҳақ тўлашни бўйича қўллаб-қувватлаш ўтказишлари, мабодо салбий ҳолатлар бўлса, йиғилишларга масала киритиб, ҳатто раҳбарни ишдан олиш даражасига олиб чиқишарди.

- Бошланғич касабани уюшма ташкилотлари ҳамда меҳнат инспекторларининг фаолияти касабани уюшмалари тизими ривожига қанчалик аҳамиятга эга?

- Бошланғич ташкилотлар - касабани уюшмаларининг энг асосий тирраги, меҳнаткашларнинг жойлардаги ҳимоячиси ҳисобланади. Чунки ҳатто иккитанига ходими бор ташкилотда ҳам меҳнатга оид муносабатлар бўлиши табиий. Шундай экан, айнан уша бошланғич ташкилотлар раисларининг масъулияти кўп нарсага хал қилади. Қардаки бошланғич ташкилотнинг ўрни бўлса, уша ерда меҳнаткашлар кўнгли тўқ бўлиб ишлайди. Бошланғич ташкилотлар иш бевучи ва меҳнаткаш ўртасидаги кўпик бўлиши керак. Ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, раҳбарга масалаларни тўғри қўя олиш ва салбий ҳолатларнинг юзасига келишига йўл қўймайлик айнан ана шу ташкилот раисига боғлиқ.

Меҳнат инспекторларига келсак, уларнинг фаолияти ортидан меҳнаткашларнинг касабани уюшмаларига нисбатан ишончи ортади ёки аксинча. Тошкент вилоятида ишлаганимда, Холодовский деган машҳур меҳнат инспектори бўларди. Унинг жойларга мониторинг учун чиқиб кетиши ташкилотлар раҳбарларини доим сергак тортирган. Сабаби, у қаерга бора, биринчи навбатда, ишчи-ҳодимлар учун яратилган шароитлар, хавфсизлик масаласи, уларнинг дам олишини ташкил қилиш каби омилларга жиғидий эътибор қаратарди. Ҳатто қурилиш ёки ишлаб чиқариш жараёнларини ҳам жойида тўхтатиб, олдин шароит яхшилашни талаб қиларди. Мабодо талаби бажарилмаса, уша ташкилот раҳбарини ишдан олиш бўйича йиғилишга масала киритарди. Хуллас, унинг жонбозлиги, талабчанлиги туфайли қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинган.

- Фаолиятингиздаги эсдаларни воқеалардан сўзлаб бера оласизми?

- Эсдаларим, кўз олдимга келтирганимда юзмага табассум югурадиган воқеалар кўп бўлган. Аммо мен бир вақтлар кўнглимни хира қилган воқеани айтиб бермоқчиман.

Хуллас, Тошкент вилояти касабани уюшмалари кенгаши раиси бўлиб ишлаган пайтда, ишчи гуруҳ тузиб, ҳеч қандай оғоҳлантиришсиз бир оромгоҳга борганмиз. Ушанда жазирама иссиқ, дам олишининг иккинчи босқичи эди. Айни тушлик пайтида кириб борганимизда, 250 нафар болани ошхона олдида, нақ қўёш тагида сафлангириб қўйишганининг устидан чиққанмиз. Кун иссиқлигидан болалар терлаб, қизариб кетган. Афтидан, анча вақтдан бери шу алфозда туришган. Қўриб, ҳафа бўлиб кетдим. Шартта ошхона залига кирдим, деярли дастурхон тузаб бўлинган экан. «Бу нима аҳвол, нега болалар қийналиб қўёшда туришибди? Бирортаси хушидан кетиб қолса, нима бўлади?» дедим овозимни баландлатиб. Ўзини йўқотиб қўйган ишчилар қимтина бошлади. Столдаги овқатларни бирин-бирин қавлай бошладим. Уч-тўрт столи кўздан кечирдим ҳамки, бирорта овқат ичиди гўшт йўқ эди. Ошхонага кирдик. Дарҳол тақсимотни кўтардик. Раҳбарият томонидан гўшт ва бошқа маҳсулотлар ўз меъёрида ажратилган экан. Ушанда суриштирувлар қилиб, бир куннинг ўзидаёқ, оромгоҳ раҳбари, ҳисобчи, оմборхона мудури ва бош ошпазни ишдан олиш ҳақида кўрсатма берганмиз.

- Сиз узоқ йиллар Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасини ҳам бошқаргансиз. Айнан шу бошқаруvingизни доим касабани уюшмаларидаги тажрибангиз билан боғлайсиз. Бунинг боиси нимада?

- 1991 йилда илк бор Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташкил этилган эди. Унда сеvimли шоирамиз Халима Худойбердиева раис, мен эса муовин эдим. Уч йилдан сўнг Халима опа бошқа ишга ўтди ва ўрнига мен раис этиб тайинландим. Президентимиз томонидан менга бош вазир ўринбосари мақоми ҳам берилди ва бу ўта масъулиятли вазифада 2004 йилга қадар ишладим. Хотин-қизлар билан ишлашимда айнан

- Ростини айтсам, касабани уюшмалари билан боғлиқ ҳар қандай хабарни эшитсам, юрагим бошқача уради. Чунки бу қадрон тизим мени ҳалол бўлишга, доим инсонлар манфаатини ўйлаб иш тутишга ўргатди. Бир пайтлар бу тизим тўғрисида махсус қонун қабул қилинишига ҳаракат қилганмиз. Аммо бу амалга ошмаган эди. Вақт ўтиб, 2019 йил 6 декабрда ушбу қонуннинг қабул қилинганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ахир бу кунларни биз қанчалик истаган, интиқиб кутган эдик.

Бугун касабани уюшмалари амалга ошираётган эътиборга молик ишларни қўриб қувонаман. Масалан, илгарилари сихатгоҳ, дам олиш худудлари кўпинча марказларда бўларди. Ҳозир эса энг чекка худудларда ҳам бундай масканлар кўп. Улар барча зарур ва замонавий шарт-шароитларга эга. Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси муассислигида Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси ва музейининг ташкил қилиниши, Касаба уюшмалари саройининг замонавий ва кўркам ҳолатга келтирилиши ҳам мен учун катта қувончли воқеа бўлди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган ва бokuвчисини йўқотган оилаларга, аёлларга қаратилган эътибор, бегараз ёрдамлардан хурсанд бўламан. Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси сўнгги йилларда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва шу йўналишдаги ишлар ижроси билан шуғулланиб келмоқда. Ўрганишлар давомида айрим аёлларнинг зиммасига фарзандини ёлғиз ўзи боқиб тарбиялаш вазифаси тушгани етмагандай, баъзилари уй-жойсиз ва ишсиз бўлиб қолганларининг ҳам гувоҳи бўлдик. Ҳар бир худудга бириктирилган тармоқ касабани уюшмалари ишчи гуруҳлари аъзоларининг сай-ҳаракатлари билан кўпгина муаммоларга ечим топилди. Жумладан, 2022 йилда ипотека кредитлари бўйича ажратилган субсидияларнинг 40 фоизи 10 мингдан ортик хотин-қизга йўналтирилди. 15 минг

Тошкент вилояти касабани уюшмалари кенгаши раиси бўлиб ишлаган пайтда, ишчи гуруҳ тузиб, ҳеч қандай оғоҳлантиришсиз бир оромгоҳга борганмиз. Ушанда жазирама иссиқ, дам олишининг иккинчи босқичи эди. Айни тушлик пайтида кириб борганимизда, 250 нафар болани ошхона олдида, нақ қўёш тагида сафлангириб қўйишганининг устидан чиққанмиз. Кун иссиқлигидан болалар терлаб, қизариб кетган. Афтидан, анча вақтдан бери шу алфозда туришган. Қўриб, ҳафа бўлиб кетдим. Шартта ошхона залига кирдим, деярли дастурхон тузаб бўлинган экан. «Бу нима аҳвол, нега болалар қийналиб қўёшда туришибди? Бирортаси хушидан кетиб қолса, нима бўлади?» дедим овозимни баландлатиб. Ўзини йўқотиб қўйган ишчилар қимтина бошлади. Столдаги овқатларни бирин-бирин қавлай бошладим. Уч-тўрт столи кўздан кечирдим ҳамки, бирорта овқат ичиди гўшт йўқ эди. Ошхонага кирдик. Дарҳол тақсимотни кўтардик. Раҳбарият томонидан гўшт ва бошқа маҳсулотлар ўз меъёрида ажратилган экан. Ушанда суриштирувлар қилиб, бир куннинг ўзидаёқ, оромгоҳ раҳбари, ҳисобчи, оմборхона мудури ва бош ошпазни ишдан олиш ҳақида кўрсатма берганмиз.

касабани уюшмаларида олган тажрибам қўл келгани рост. Чунки касабани уюшмаларида аввало инсон манфаатлари устун. Ойликнинг ўз вақтида берилиши, ишчилар хавфсизлиги, оилалар тинчлиги, ходимларга зарур шарт-шароитлар яратиш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва албатта, ўз вақтида дам олишларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Хотин-қизлар кўмитасидек катта уюшмани бошқаришда ҳам касабани уюшмаларида тўплаган тажрибамни қўлладим. Ушанда аёллар учун энгилликлар яратиш, муҳофазасини таъминлаш ва албатта, уларнинг бахтли яшашлари учун бор куч-ғайратимизни сарфладик. Умуман, қаерда ишласам ҳам, касабани уюшмаларида олган тажрибам доим қўл келганини такрорлашдан чарчамайман.

- Бугунги касабани уюшмалари фаолиятига қандай баҳо бера сиз?

нафар хотин-қизга ижара тўловлари учун 500 минг сўмгача компенсация ажратилди. Бундай савобли ишларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшган, фаол ишлар олиб борган касабани уюшмалари ходимларига тасаннолар айтса арзийди.

Яна бир гап. Яқиндагина Тошкент вилояти худудидида қўллаб-қувватлаш ва манзарали дархотлар экилиб, «Касаба уюшмалари бўлиб» барпо этилганини чинакам самимийлик, бағрикенглик ифодаси десам, янглишмайман. Халқимизда «Яхшидан боғ қолади» деган нақл бор. Ушбу фойзли боғдан ҳам ҳали келгуси авлодлар кўп бахраманд бўлишад.

«ISHONCH» мухбири
Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
суҳбатлашди

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrub RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43
Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qorag'alpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati - (+998-99) 080-93-38
Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati - (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
G. Mirahmedov

Musahhirlar:
U. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Boshig'iza topshirish vaqti - 23:50
Topshirildi - 00:30

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillim:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 129 ta Shundan:

7 394 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 249 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8 486 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-611

1 2 3 4 5 6